Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 9 апрель, № 68 (5998) Чоршанба

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



Маҳаллийлаштириш дастури Бухоро шаҳридаги “Уз — Корея Медикал” қўшма корхонаси тадбиркорларига янги лойиҳалар устида ишлаш борасида катта имкониятлар яратди.

8,9 миллиард сўм маблағ корхоналар тасарруфида қолди

Айни пайтда жамоа инфузион эритмалар учун бир марталик система ишлаб чиқариш ҳаракатида. Ўтган йили корхона 80 миллион дона бир марталик шприц тайёрлаш орқали солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзга эга бўлган эди. Шу туфайли корхона ҳисобида қолган маблағга зарур хом ашё харид қилинди.

Вилоят иқтисодиёт бошқармаси маълумотига кўра, 2013 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 59,4 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарди. Натижада 27 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежалди. Ушбу дастурга кирган лойиҳаларга асосан тайёрланган маҳсулотларга солиқ ҳамда божхона тўловларида қўлланилган имтиёзлар туфайли жами 8,9 миллиард сўм маблағ корхоналар тасарруфида қолди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мослама харажатларни тежаш имконини беради

Қумқўрғон туманидаги “Мўбин равнақ” хусусий корхонаси жамоаси эндиликда плёнка ва полиэтилен қувур ишлаб чиқаришда хом ашё сотиб олмайди.

— Чиқиндига ташлаб юборилган полиэтилен халталар, елим идиш ва чигит экишда ишлатилган плёнкалардан фойдаланишни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор Қаҳрамон Бойсариев. — Бунинг учун иккиламчи хом ашёни эритадиган печь мосламасини яратиб, цехимизга ўрнатдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу янгилик жамоамизга йилига 50 миллион сўмлик маблағни тежаш имконини беради.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор аёл ўқувчиларга ҳунар ўргатмоқда

“Урганч миллий тикувчилик” оилавий корхонаси раҳбари Фароғат Саъдуллаева уч йилдан буён Урганч шаҳридаги 96-махсус мактаб-интернати билан ҳамкорлик қилиб келади. Гап шундаки, тадбиркор аёл муассасанинг имконияти чекланган қизларига каштачилик, қуроқчилик ва тикувчиликдан сабоқ бермоқда.

Фароғат Саъдуллаева яқинда БМТ Тараққиёт дастурининг 35 минг АҚШ долларилик грант лойиҳасини қўлга киритди. Шунга мувофиқ, Германиядан тикувчилик дастгоҳлари, мебеллар ва 5 та компьютер жамланмаси келтирилди. Тадбиркор ана шу замонавий технология билан жиҳозланган корхонага ўз шогирдларидан 10 нафарини ишга қабул қилди. Бу ерда тайёрланадиган кийим-кечаклар учун дизайн ҳамда ранглар компьютерда танланади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири

Келажак технологиялари

Олимларимиз томонидан юртимизда ҳар бир квадрат метр майдонга йил давомида тушадиган қуёш нури 200 килограмм органик ёқилғи ёнишидан ҳосил бўладиган энергияга тенг эканлиги исботланган. Бу мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини жадал ривожлантириш имконини беради.

Яқинда Навоий давлат кончилик институтида ташкил этилган халқаро семинарда ана шу ҳақда сўз борди. Унда мамлакатимиз олимлари билан бирга, Италия, Словения, Қозоғистон каби давлатлардан тадқиқотчилар қатнашди.

— Айни пайтда TERSID, яъни саноат корхоналарига энергия теҳовчи технологияларни татбиқ этиш бўйича халқаро лойиҳа доирасида кенг кўламли ишлар олиб бораяпмиз, — дейди Навоий давлат кончилик институти тадқиқотчиси Тўлқин Нурмуродов. — Хусусан, олий ўқув юртимизда кимё технологияси, энергетика ва металлургия соҳасида энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш бўйича магистр мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Яқинда ана шу талабаларимиздан бир гуруҳи Италиянинг етакчи олий ўқув юртларида малака ошириб қайтди. Бу каби саъй-ҳаракатлар саноати ривожланган вилоятимизда маҳаллий мутахассисларимиз томонидан келажак технологиялари яратилишига хизмат қилади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Ватанимиз тарихида энг улуғвор, бетакрор ва ёрқин из қолдирган, абадиятга дахлдор шахс, шак-шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темурдир. Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Музейда мунтазам ўтказиб келинаётган маърифий тадбирлар, амалий машғулотлар талаба-ёшларимизни қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти бугун буюк давлат барпо этиш, озод ва обод Ватанни янада муаззам қилиш мақсадида дадил қадам ташлаётган юртдошларимиз учун ибрат ва намунадир. Истиқлол йилларида онаминимизнинг фидойи, асл фарзанди Амир Темур номи таҳқир ва маломатлардан соқит этилиб, ўзининг шарафли рутбасига қайтди, бой мероси кенг ўрганилди. Тарихий давлатчилигимиз асосчиси сифатида Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларида ҳайкаллари ўрнатилди.

Бундан ўн саккиз йил муқаддам пойтахтимиз марказида Темурийлар тарихи Давлат музейи барпо этилди. Ушбу кошона темурийлар даври меъморчилигига замонавий архитектура анъаналари уйғунлаштирилгани билан Соҳибқирон давридаги саройларга монанд, десак, муболаға эмас. Бинонинг баландлиги 31, диаметри 70 метр. Унинг гумбазини ёритиб турган муаззам қандилнинг оғирлиги икки тоннадан ошади. Музейкошона уч қаватдан иборат. Биринчи қаватда хазинахона, кутубхона, анжуманлар зали, маъмурият жойлашган. Иккинчи қаватдаги девор марказида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси асосида “Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор” деб номланган панно жойлаштирилган. Учинчи қаватдан Марказий Осиёнинг илк Уйғониш давридан то Соҳибқирон давригача ва темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, ранг-баранг осориатиқалар ўрин олган.

(Давоми 4-бетда).

Кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш — давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг муҳим шарти

Жамиятимизда давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида илгари сурилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонун кенг муҳокама қилинмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айтиш мумкинки, Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини кучайтириш ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳаётга жорий этилиши кўп жиҳатдан кўппартиявий тизимнинг ривожланишига узвий боғлиқдир.

Миллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ривожланган кўппартиявийлик тизими, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик институтларининг етуклиги ва фаоллиги, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданияти жамиятда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Қайси давлат мана шу табиий қонуниятлар ва сиёсий воқеликни инобатга олмасдан, давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни сунъий равишда тезлаштирса, у давлатчилик асосларини бузадиган, тартибсизликларга олиб келадиган, жамиятда ижтимоий-сиёсий жараёнлар бошқарувини издан чиқарадиган ҳамда демократик қадриятларга путур етказадиган муаммоларга дуч келади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “демократик жараёнлар ўз объектив қониятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади”.

Ўзбекистонда мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асослари демократик ривожланишнинг объектив қониятлари асосида изчил ва тадрижий равишда равнақ топиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида” ҳамда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ташкил этилиши ҳамда уларнинг эркин ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари кафолати

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Маълумки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган эди.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу Қонун Ўзбекистонда демократлаштиришни янада чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш, фуқаролик институтларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш йўлидаги ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Пировардида юртимизда фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши, ахборот олиш эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар шакллантирилади, ҳуқуқий асос изчил такомиллаштирилади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонуннинг ўзига хослиги унинг ишлаб чиқилишидан бошлаб яққол намоён бўлди. Чунки Президентимиз Фармойиши асосида 2013 йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари негизида унинг нормаларини қонун лойиҳаси босқичидаёқ синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодий юксалишнинг амалий ифодаси

“Тошкент” Республика фонд биржаси ва Япония фонд биржаси (JPX) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

ҲАМКОРЛИК

Фонд бозорини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, фонд биржаси тегишли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар билан биргаликда қимматли қоғозлар савдоси жараёнини янада такомиллаштириш, фонд бозорининг барча субъектлари учун инвестиция манбаларига эркин кира олиш имкониятини яратиб беради. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан бундан 20 йил муқаддам “Тошкент” Республика фонд биржаси ташкил этилган эди. У ўтган давр мобайнидаги самарали фаолияти билан жаҳондаги 200 га яқин фонд биржалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Дарҳақиқат, Республика фонд биржаси мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олган 100 дан зиёд брокерлик идоралари, энг замонавий жиҳозлар ва дастурий таъминотга эга бўлиб, мижозларга ҳар қандай масофадан туриб савдо тизимига уланиш имкониятини яратиб бера олади.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда

380та

умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, қайта таъмирланади.

Мазкур жараёнда 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган ана шу таълим муассасалари компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа зарур ускуналар билан ҳам таъминланиши кўзда тутилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамиз қонун ижодкорлиги тарихида илк маротаба ўтказилган мазкур тажрибадан кўзланган мақсад қонун лойиҳаси меъёрларини амалиётда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш эди. Сабаби, уни қабул қилишдан аввал янги ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат органлари фаолияти, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги, давлат органлари томонидан муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий масалаларга ечим топиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишга доир вазифаларни рўёбга чиқариш йўлидаги фаолияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, бу борада оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамиятини кучайтиришни қай даражада таъминлай олишини ҳар томонлама ўрганиш зарур эди.

Ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳаси моддаларини ҳаёт воқеликларидан келиб чиқиб сезиларли равишда маромига етказиш имконини берди. Якунда қонун ижодкорларига ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат тузилмалари, ОАВ вакиллари томонидан ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштиришга оид 700 та таклиф келиб тушиб, улар қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан уч ўқишда таҳлил этилиб, ҳуқуқий эксперимент натижалари, унинг иштирокчилари ва экспертлар фикр-мулоҳазалари, ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишга оид хориж тажрибаси, сиёсий партиялар фракциялари позициялари батафсил кўриб чиқилди.

Парламент юқори палатасида ушбу Қонунни навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқиш учун хулоса тайёрлаш Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига топширилди. Ўз навбатида, экспертлар ва ҳуқуқшунослардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Уларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда мазкур Қонунга оид хулоса тайёрланди. Шундай қилиб, кўп қиррали қонун ижодкорлиги фаолияти ҳуқуқни қўллаш амалиётида синовдан ўтиб, ўз натижаларини берган ҳуқуқий ҳужжатни яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини ҳамда улар фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган ҳуқуқ кафолатларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш ушбу Қонуннинг асосий вазифаларидир.

Унда давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотдан барчанинг фойдаланиши мумкинлиги, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги, давлат идоралари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, бундай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий тамойиллари сифатида кўрсатиб ўтилган. Айни чоғда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш белгилаб қўйилаётгани конституциявий нормаларга мос бўлиб, янада демократик ривожланиш жараёнлари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг мазкур органлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилаётир. Қолаверса, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари ўз ифодасини топган. Энг илғор халқаро тажрибага муштарак равишда ушбу Қонунда сўровни кўриб чиқиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши керак. Оммавий ахборот воситасининг бу каби сўрови эса кўпи билан етти кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Мазкур Қонуннинг кучга кириши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишининг самарадорлигини янада ошириш, улар фаолияти шаффофлиги, очиқлигини таъминлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсати, ташқи ва ички сиёсат ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш учун янада қулай шароит яратади.

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш — давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг муҳим шарти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Партияларнинг сиёсий ва сайлов жараёнларидаги фаол иштирокини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. 2003 ва 2008 йилларда Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга, шунингдек, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, мамлакат Президентлигига, икки палатали парламент депутатлигига, маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар фақатгина кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган бўлди. Давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш амалиёти бекор қилинди ва бу давлат ҳокимияти тизимини демократлаштиришда долзарб қадам бўлиб, кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг ҳамда партиялараро рақобатни кучайтиришнинг муҳим омилига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни қоидалари мамлакатимиз парламенти фаолиятини ташкил қилиш, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда салмоқли ўрин тутди. Қонун, хусусан, парламентдаги мухолифатнинг мақоми ҳамда фаолиятининг кафолатларини белгилаб берди. Бир қатор сиёсий партиялар ўзларининг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган қонун лойиҳаларини самарали илгари суриш учун парламентда кўпчиликни ташкил этувчи Демократик блокни шакллантирди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси миллий парламентимиз амалиётида илк бор ўзини парламентдаги озчиликни ташкил қилувчи мухолиф партия деб эълон қилди.

Парламент томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини юксалтиришда муҳим туртки бўлди. Ушбу дастуриламал ҳужжатга мувофиқ, Конституцияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши ҳақида тузатиш киритилди. Маълумки, бунга қадар Бош вазир номзоди Президент тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилар ва тасдиқланар эди.

Асосий Қонунга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти киритилди. 2013 йил декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартишларга биноан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Улар тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислиги, раис ўринбосарлиги ва аъзолигига номзодлар юзасидан, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг парламентдаги, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўз вакиллари орқали ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш, мамлакат ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим вазифаларини ҳал этишда фаол қатнашиш имкониятларини сезиларли даражада кучайтирди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуннинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Қонун мамлакатимизда охирги ўн йилликда амалга оширилган демократик конституциявий ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди.

Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишга мувофиқ, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти конституциявий қонунчиликка жорий этилмоқда. Бу фуқароларнинг, бинобарин, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг муҳим механизмлардан бири бўлишига қаратилгандир.

Конституциянинг 78-моддасига киритилаётган тузатишга биноан, парламентга тақдим этилаётган парламент назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ҳуқуқ сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишдаги иштирокини сезиларли даражада кучайтиради.

Конституциянинг 98-моддасига киритилаётган ўзгартишлар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади. Бу Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларга ҳукуматнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифаларни амалга ошириш йўналишидаги сиёсатига нисбатан ўз позицияларини аниқ белгилаш ҳамда мамлакатни демократик янгилаш жараёнларида фаол иштирок этиш бўйича ўз ҳаракат дастурларини белгилаб олишларига имконият яратади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Конституциянинг 103-моддасига киритилаётган вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ҳақидаги тузатишлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан депутатлик назорати имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Конституцияга киритилаётган шу ва бошқа тузатишлар партиялараро кураш, ғоя ва дастурлар рақобатига, умуман, кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга реал шароит яратиб беради. Бугун ҳар бир партия сайловчиларга жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва тушунарли ҳаракат дастурини тақдим этишга, депутатлар корпусидаги ўз вакиллари орқали ҳокимият тузилмаларини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр туриши лозим. Зеро, дастури, позицияси кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланган сиёсий партиягина парламентда етарли ўринлар олишга ҳамда мамлакат сиёсий тизимида муносиб ўрин эгаллашга умид қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “ҳар бири жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган бу сиёсий партиялар ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Улар халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўзининг аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда”.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш муҳимки, демократик ўзгаришлар жараён бўлиб, у ҳаёт ва жамият ўзгариши билан уйғун ривожланади. Шу боис сиёсий тизим, давлат ва жамият қурилишининг қонунчилик асослари ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни билан чамбарчас равнақ топиб бориши зарур. Дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, қонунлар жадал такомиллашмасдан, ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатлардан ортда қолса, бу жамият тараққиётига тўсиқ бўлувчи тизимли, айни пайтда антагонистик зиддиятларни келтириб чиқариши муқаррар.

Айнан шу боис Конституцияга киритилаётган тузатишлар сиёсий, давлат-ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг реал эҳтиёжларига муносиб жавоб бўлиб, жамиятда барқарорликни таъминлашда, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги мамлакатнинг барқарор тараққиётида улкан аҳамиятга эгадир.

Ш. МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходимлар-изланувчилар институти бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

К. ДЖАВАКОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори в.б., фалсафа фанлари доктори.

Ипакчилик:
Янгиланиш ва истиқбол

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Ипак кўпгина хусусиятлари билан жун, пахта ва бошқа табиий толалар сингари энг қимматбаҳо тўқимачилик хом ашёси саналади. Шу боис ҳам дунё бозорида унга бўлган талаб тобора ортмоқда.

ИНТИЛИШ

Шундан келиб чиқиб, юртимизда пилла хом ашёсини дастлабки қайта ишлайдиган корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда Қарши шаҳрида ишга туширилган “Radiant Silk” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Ушбу лойиҳа 2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича Давлат дастури ижросини таъминлаш, енгил саноат тармоғини ривожлантириш орқали ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш ва иш ўринлари яратиш мақсадида амалга оширилган. Унинг дастлабки босқичида корхонага 1,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хориж инвестицияси киритиш ҳисобидан Хитойдан йилига 400 тонна пиллани қайта ишлайдиган ва 120 тоннага яқин хом ипак тайёрлаш қувватига эга замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди.

Шу ўринда айтиш керакки, вилоятда ҳар йили салкам 3 минг тонна пилла етиштирилиб, асосан, қайта ишлаш учун қўшни вилоятларга жўнатиларди. Сабаби, бу ерда пиллани қайта ишлайдиган корхоналар етарли эмас, борлари ҳам технологик жиҳатдан эскирган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 ноябрдаги қарорига мувофиқ, “16-автобус саройи” очиқ акциядорлик жамияти негизида мазкур ипакчилик комплексининг барпо этилгани айни муддао бўлди.

Эътиборлиси, “Radiant Silk”да ишлаб чиқарилаётган маҳсулот замон талаби ва жаҳон стандартларига мослиги ҳамда экологик тоза бўлгани учун харидорларни ўзига жалб этмоқда.

— Янги корхонани ташкил қилишда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ёшларни иш билан таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Акмал Расулов. — Бу ниятимиз рўёбга чиқмоқда: дастлабки босқичда юзга яқин иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда иккинчи босқич фойдаланишга топширилгач, яна 100 нафардан зиёд киши ишга қабул қилинади. Шу билан бирга, йилига 500 минг погон метр мато тўқишни ўзлаштирамиз. Шу мақсадда ҳозир цехларга илғор технологик асбоб-ускуналар келтирилмоқда.

Қисқаси, Қашқадарё вилоятида мавжуд пиллакашлик корхоналарини, шу жумладан, янгидан ташкил этилган ипакчилик корхонасини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудда пиллачилик саноатини ривожлантиришда янги уфқларни очишга хизмат қилади, албатта.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) томонидан “Шахсий суғурта: халқ фаровонлиги йўлида” мавзуида матбуот анжумани ташкил қилинди. Тадбирда суғурта компаниясининг 2013 йилдаги фаолияти муҳокама этилиб, жорий йилга мўлжалланган режалар хусусида маълумот берилди.

● **Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти томонидан “Камалакнинг етти маликаси” кўрик-танлови ўтказилди. Унда ташкилот сардорлар кенгашининг энг фаол етти аъзоси ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.**

● Тошкент молия институтида Ўзбекистонда аҳолининг молиявий маданиятини янада оширишга қаратилган лойиҳа доирасида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ўқувчи-ёшларнинг шу борадаги билимларини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланиш, оилавий бюджетни шакллантириш ва янада бойитиш юзасидан фикр алмашилди.

● **Самарқанд вилоятидаги Окдарё педагогика коллежида “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари” мавзуида амалий-услубий конференция ташкил этилди. Анжуманда олий ўқув юртлари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари мутахассис ўқитувчиларининг маърузалари эшитилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент давлат юридик университетида “Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида парламент ислоҳотларининг самарадорлигини ошириш” мавзуида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, хусусан, давлат бошқарувининг энг муҳим принципи бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини конституциявий таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қонун ҳужжатларининг жамиятда давлат бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилишини, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципини амалга оширишни таъминлайдиган самарали механизми бўлган парламент назоратига ҳам катта эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир”.

Бугунги кунда мамлакатимизда парламент назоратига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Давра суҳбати иштирокчилари ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш масалаларига эътибор берган ҳолда, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг, шунингдек, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг долзарблиги ва муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги аҳамияти, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим асоси, Ўзбекистон Республикасида парламент назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, ижро ҳокимияти асосларининг ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ конституциявий ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятини янада кучайтириш ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Тадбир сўнгида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда Конституция нормаларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзА).

Иқтисодий юксалишнинг амалий ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада бугунги кунга қадар унинг ялпи айланмаси 1,2 триллион сўмдан ошиб, 2 мингдан зиёд акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари олди-сотдиси бўйича 100 мингдан кўпроқ шартномалар тузилди.

Шу билан бирга, умумий қиймати 180 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 30 та эмитентнинг облигациялари бўйича тузилган битимлар ва 80 миллиард сўмдан зиёд бўлган 47 та эмитентнинг акциялари билан тузилган репо-битимлари миллий компанияларга фаолиятини ривожлантириш учун 260 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни жалб қилиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 19 мартда имзоланган "Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор "Тошкент" Республика фонд биржаси фаолиятини янги босқичга кўтариш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун кенг йўл очиб берди. Айни пайтда Лондон, Франкфурт ва Истамбул фонд биржалари, шунингдек, тизимли равишда Токио, Шанхай ва Сингапур фонд биржалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, Корея фонд биржаси иштирокида Ягона дастурий-техник мажмуа жорий қилингани бунинг яққол далилидир.

Япония фонд биржаси билан имзоланган ҳужжат эса бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

— Замонавий тизимларни қўллаган ҳолда, фонд бозорини ривожлантиришда акциядорлик компанияларининг иштирокини янада кенгайтириш ҳамкорликнинг асосий стратегик йўналишларидан ҳисобланади, — дейди Япония фонд биржаси (JPX)нинг ижрочи менежери Котаро Ямазава. — Қолаверса, андеррайтинг тартиботлари, листинг бўлимларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида мазкур соҳадаги илғор тажрибаларни баҳам кўриш, мутахассислар ва ахборот алмашиш, шунингдек, белгиланган бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пировардида икки давлат фонд биржаларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши турган гап.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Пойтахтимизда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларни идентификация қилиш тизимларини бошқариш масаласига бағишланган минтақавий семинар ўз ишини бошлади.

ФУҚАРО ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси томонидан ташкил этилди. Семинарни ўтказишдан мақсад миллий мутахассисларни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари соҳасида тавсия этилаётган амалиёти билан таништириш ва Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини намойиш этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Н. Тўрахўжаев, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, элчи Дьердь Сабо ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланадиган йўловчилар учун қулай шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2011 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори даражада ҳимояланган биометрик паспортни жорий қилиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилаётган янги намунадаги паспорт Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан тавсия қилинган машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатнинг жорий этилиши шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификация қилиш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишларни сифатли амалга ошириш ҳамда самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Мамлакатимизнинг ушбу тизимни жорий этиш тажрибаси халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Ўзбекистон фуқаросининг биометрик паспорти персоналлаштириш соҳасида дунёдаги энг илғор технологиялар қўлланилганининг ёрқин намунасидир, — дейди «Oberthur Technologies» компаниясининг (Франция) шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар лойиҳалари бўйича директори Тибо Субрия. — Мамлакатингизда шахсни идентификация қилиш тизимида фуқаролар ҳақидаги маълумотларни тўплашдан то чегара назоратини амалга оширишга қадар бўлган жараёнда хавфсизликнинг юқори даражаси таъминланган. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Минтақавий семинар иштирокчилари уч кун давомида бутун дунёда машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари тизимининг стандартлари, янги технологиялари ва уни янада ривожлантириш стратегиясини ўрганади. Халқаро экспертлар ва хорижий давлатлар вакиллари бу йўналишдаги ўз тажриба ҳамда иш услуби билан таништиради. Семинарда, шунингдек, ИКАОнинг машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари, ҳимояланган ҳаракатланиш ҳужжатларини тайёрлаш стандартлари, техник хусусиятлари, чегара назоратидан ўтишда ҳужжатни текширишнинг замонавий тизим ҳамда воситалари муҳокама этилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Февраль ойида Германиянинг саноат корхоналарига келиб тушган буюртмалар ҳажми январь ойидагига нисбатан 0,6 фоиз ошди.

Тахмин қилинганидан юқори

Бу экспертлар тахмин қилганидан ҳам юқори кўрсаткич ҳисобланади. Чунки улар буюртмалар ҳажми кўпи билан 0,2 фоиз ўсишини башорат қилишган эди.

Изоҳланишича, бундай ижобий натижа кузатилиши мамлакатда ички талабнинг ортиши билан бевосита боғлиқ. Негаки, февралда маҳаллий буюртмалар ҳажми 1,2 фоиз юксалган.

Товон пули тўлайди

АҚШнинг "Citigroup" банки раҳбарияти 18 нафар инвесторга етказилган моддий зарар учун қарийб 1,13 миллиард доллар миқдорида товон пули тўлайди.

Чунки молия муассасаси 2005 — 2008 йилларда уларга фойда келтирмайдиган қимматли қоғозларни сотган. Натижада инвесторлар катта миқдордаги маблағларни бой беришган.

Банк вакилининг айтишича, "Citigroup" товон пули тўлашга қарор қилган бўлса-да, уларга сотилган қимматли қоғозларни қайтариб олмайди. Шу боис сармоядорлар молия муассасаси устидан судга яна даъво билан мурожаат қилишлари мумкин.

Келишувга эришди

Швейцариянинг цемент ишлаб чиқарувчи "Holcim" компанияси ўзининг асосий рақобатчиси ҳисобланган Франциянинг "Lafarge" компанияси билан бирлашишга келишиб олди.

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ҳозир мазкур икки компания қурилиш моллари бозорида етакчилардан саналади. Агар улар бирлашадиган бўлса, бу жиҳат янада юксалиши мумкин. Чунки янги ташкил этиладиган компаниянинг йиллик савдо айланмаси 34 миллиард еврога, унинг умумий ходимлари сони 136 минг кишига етади. Ўз навбатида, экспертлар ушбу битим амалга ошишига шубҳа билан ҳам қарашмоқда. Чунки компаниялар бирлашадиган бўлса, уларнинг жаҳон қурилиш моллари бозоридаги улуши 50 фоизга етади. Бунга эса монополияга қарши ташкилотлар йўл қўймайди.

"Holcim" ва "Lafarge" ана шундай вазиятга тушмаслик мақсадида ўзига тегишли активларнинг 15 фоизини сотишга киришган.

Ярим йўлдан ортга қайтди

Испаниянинг Тенерифе шаҳридан ҳавога кўтарилган "Vueling Airlines" авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти орадан бир оз вақт ўтиб, яна ортга қайтишга мажбур бўлди.

Бунга лайнер баландликни забт этаётганда двигателларидан бирининг ишламай қолгани сабаб бўлган. Шу боис самолётни фавқулодда қўндиришга тўғри келган.

Бортида 134 нафар йўловчи бўлган ушбу лайнер "Тенерифе — Барселона" йўналиши бўйича парвозни амалга ошираётган эди. Уни қўндириш чоғида ҳеч кимга зарар етмади.

Улкан тимсоҳ тутиб олинди

Угандада ёввойи табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилот ходимлари вазни тўққиз юз килограммдан оғирроқ бўлган улкан тимсоҳни ушлаб олишди.

Тўрт нафар балиқчининг умрига зомин бўлгани тахмин қилинаётган ушбу йиртқични овчилар тўрт кун деганда Виктория кўли соҳилига ўрнатилган махсус қармоққа илдиришган. Энди уни Мерчисон Фолс миллий хиёбонига топширишмоқчи.

Мутахассисларнинг фикрича, у камида саксон ёшда. Аммо бу йиртқич Филиппиндаги хиёбонда сақланган ва Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган энг оғир вазнли Лолонг лақабли тимсоҳдан 47 килограмм енгилроқ. Кўп яшаш борасида эса у Лолонгни ортда қолдирган. Чунки рекордчи тимсоҳ 50 ёшга ҳам кирмай, ўтган йилда ўлиб қолганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар натижасида нафақат импорт ўрнини босувчи, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Бу, табиийки, уни хорижга чиқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Экспортни қўллаб-қувватлаш

жаҳон бозорларига чиқиш имкониятини янада кенгайтирмоқда

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалда ўз самарасини бермоқда. Ишбилармонларимиз томонидан тайёрланаётган сифатли, бежирим ва замонавий маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб юқорилиги шундан далолатдир. Бизнинг жамоамиз экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, маҳаллий тадбиркорларимизнинг хориж бозорларига дадил кириб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, зарур ҳолларда кўмак бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 30 га яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар туфайли улар 3,6 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларини чет эллик буюртмачиларга сотишга муваффақ бўлдилар. Яқинда эса "Kapers-Agro-Servis", "Tabiiy Qazilma", "Didosa paint" ва "Maxsus Ta`minot Konserva" масъулияти чекланган жамиятлари раҳбарлари ҳам филиалимизга мурожаат қилиб, ўзаро битимни имзолаган ҳолда, корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш учун тижорат таклифларини беришди.

Бундан ташқари, вилоятимизнинг барча туманларида давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар уюштириб, ўз хизматларимизни мунтазам тарғиб қилаяпмизки, бу ҳам тадбиркорлар сафи кенгайишида айни муддао бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, биз аввало, ишлаб чиқарувчилар ёрдамида ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан бойитиш, ортганини экспортга чиқариш борасида режали асосда фаолият юритаяпмиз. Бундан кўзланган мақсад эса аниқ: иқтисодиётимизни янада юксалтириш орқали Ўзбекистонни дунё аҳлига етакчи экспортчи давлат сифатида танитишдан иборат. Зеро, экспорт тараққиётимиз кўзгусидир.

Абдулла ТОҒАЕВ,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Жиззах филиали директори.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 29 МАРТДАН 4 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи.*

2014 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-1 (2014 йил 7 апрелдан кучга кирди).

2. «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 14 мартдаги 7/1-сонли қарори.*

2014 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-2 (2014 йил 7 апрелдан кучга кирди).

3. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоблар клиринг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4/4-сонли қарори.*

2014 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2570 (2014 йил 7 апрелдан кучга кирди).

4. «Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 6 мартдаги 56-сонли буйруғи.*

2014 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2571 (2014 йил 7 апрелдан кучга кирди).

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 13 июндаги 1-521-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Еттиқум маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган 6-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 825 900 сўм.

II. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 30 майдаги 19-1306/4423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Баркамол авлод (собиқ Ф. Хўжаев) кўчаси, 13-«А» уйда жойлашган, Сурхондарё вилояти Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасига қарашли, Термиз шаҳридаги «Сурхондарё босмахонаси» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 598,80 кв.м. бўлган, 10 хонадан иборат, 1 қаватли, 2003 йилда қурилган А ва Б литерлардаги маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 29 августдаги 1-722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Сариқамиш» ҚФЙ, Сеплон маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, 1 қаватли, 2010 йилда қурилган 39-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 51 808 304 сўм.

2. ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 18 июлдаги 1-688-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Рабатак» ҚФЙ, Янгиариқ массивида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган 23-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 757 400 сўм.

3. ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 8 августдаги 1-736-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Рабатак» ҚФЙ, Янгиариқ массивида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган 15-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 757 400 сўм.

4. ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 18 июлдаги 1-694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Рабатак» ҚФЙ, Янгиариқ массивида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган 7-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 757 400 сўм.

5. ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 18 июлдаги 1-686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Рабатак» ҚФЙ, Янгиариқ массивида жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, 2011 йилда қурилган 9-сонли уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 757 400 сўм.

6. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 10 январдаги 19-1003/21332-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Лутфий кўчаси, 12-уйда жойлашган, «Agrotexxizmat» ММТП МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 986,13 кв.м. бўлган, 12 хонадан иборат, 1 қаватли идора, омборхона ва ишлаб чиқариш цехи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 117 247 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 12 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 8 май куни соат 18.00.

I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 25 декабрдаги 1-2016-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Бобур 1-боши берк кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., 1 қаватли, жами 2 хонадан иборат, 1998 йилда қурилган, А, Б, в, Г ва а литерлардаги (уй-жой, омборхона, ҳаммом, девор) тураржой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 171 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Ч. Қувондиқов маҳалласида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м., 2010 йилда қурилган, 1 қаватли, 5 хонадан иборат тураржой биноиншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 107 195 974 сўм.

III. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2013 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Элбаён қўрғонида жойлашган, «Мирза-Эсон» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Қурилиш ости майдони 500,96 кв.м. бўлган, 35 хонадан иборат, 2 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 74 956 018,67 сўм.

2. Қурилиш ости майдони 151,2 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 15 922 760,43 сўм.

3. Қурилиш ости майдони 42,24 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб токарь хонаси.

Бошланғич баҳоси — 1 464 276,85 сўм.

4. Қурилиш ости майдони 1099,28 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 67 080 461,06 сўм.

5. Қурилиш ости майдони 540,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт қуритиш биноси.

Бошланғич баҳоси — 17 523 054,18 сўм.

6. Қурилиш ости майдони 32,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт тахлаш биноси.

Бошланғич баҳоси — 5 174 766,59 сўм.

7. Қурилиш ости майдони 57,6 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб 1 ва 2-сонли трансформатор биноси.

Бошланғич баҳоси — 4 618 402,44 сўм.

8. Қурилиш ости майдони 14,70 кв.м. бўлган, 1 қаватли, таъмирталаб ҳожатхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 659 605,12 сўм.

9. Қурилиш ости майдони 146,0 кв.м. бўлган, 13 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ҳаммом биноси.

Бошланғич баҳоси — 17 486 922,63 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йил 28 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 25 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz

558R/1453

Хизматлар лицензияланган.

МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси

фойдаланишда бўлган, пахта толасидан ип йигирувчи техник жиҳатдан соз тўқимачилик жиҳозини сотади.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй, МЧЖ шаклидаги «Ирригация бўйича БМКБ» қўшма корхонаси.

Телефонлар: (8-371) 248-12-00, 248-15-01.

132/20

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентликнинг Республика ахбороти таҳририяти шарҳловчиси Дилшод Каримовга отаси

Йўлдош КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда музей нодир экспонатлари билан фаол қатнашаётгани юртимиз бой тарихи, қадимий маданияти ва буюк аждодларимиз меросини хорижда ҳам кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби давлатларда ташкил этилган ана шундай кўргазмалар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўтган давр мобайнида музей халқимизнинг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланди. Шунингдек, республикамизга ташриф буюраётган олий ва юқори мартабали меҳмонлар, расмий делегациялар вакиллари юртимизнинг бошқа диққатга сазовор жойлари қаторида Темурийлар тарихи давлат музейини ҳам катта эътибор билан томоша қилишади.

Бинонинг бутун айланаси бўйлаб жойлашган айвонни оқ устунлар кўтариб турибди. Ташқи деворига эса эзгуликка ундовчи — адолат, итоат, зарофат, маърифат, диёнат, оқибат, марҳамат, қадрият, садоқат, муваффақият, матонат, мурувват, шижоат ва машварат сўзлари битилган.

Айни кунларда ушбу даргоҳга буюк давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан кўплаб меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Зеро, Президентимизнинг: “Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди”, деган сўзлари ҳар биримизнинг қалбимизда акс садо бериб турибди.

Бинобарин, халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан Соҳибқирон таваллудининг 678 йиллигига бағишлаб дастлаб Самарқанд ва Қарши шаҳарларида илмий анжуманлар ташкил этилди. Ҳар икки тадбирда ҳам таниқли темуршунос олимлар, зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. 1996 йилдан то шу кунга қадар мамлакатимизда ва турли жойларда ўтказилаётган бундай анъанавий мулоқотларнинг маърузалари ҳозиргача 10 та тўплам ҳолида нашр қилинди. Шунингдек, ўтган йилларда Амир Темур ва темурийлар ҳаёти билан боғлиқ 40 дан ортиқ илмий-оммабоп ва бадиий асарлар китобхонларга етиб борди.

2011 йилда “Темур тузуклари”нинг янги нашри тайёрланди ва чоп этилди. Китобга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзбоши берилгани улкан аҳамият касб этди.

Соҳибқирон Амир Темурдек буюк шахс жаҳон тарихида кам учрайди. У нафақат моҳир саркарда, шу билан бирга, илм-фан, маданият раҳнамоси, бунёдкор ҳукмдор сифатида ҳам халқаро миқёсда шуҳрат топган эди. Шу ўринда айрим тарихий маълумотларга мурожаат этсак. Бобокалонимиз 1381 йили Хуросонга юриши чоғида Мурғоб водийсида тўхтаб, дарёдан ариқлар қазиб сув чиқаришни буюради. Ҳиндистонга юриш чоғида эса тоғдан бир ариқ қаздириб, Кобул шаҳрига сув келтиради, етти йиллик юришида Озарбайжон ҳудудида Барлос каналини қаздириб, кўп жойларни обод қилади.

Йирик географ ва тарихчи Ҳофизи Абру ўзининг “География” асарида Самарқанд шаҳрида оқар сув бемалол эканлиги, маҳаллалар, бозорлар, кўчалар ва аксар хонадонларда оқар сувлар борлиги, ҳовлиларнинг бирортаси ҳовузсиз эмаслигини ёзади. Кўринадики, Амир Темур ободончилик ва маъмурликни барча юмушлардан кўра устун қўйган. Адолатни ўзига шиор қилиб олган.

Биз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадим анъаналарнинг янгича мазмун-моҳиятда давом этаётганига, беқиёс бунёдкорлик ишларининг юксак самарасига гувоҳ бўлаяпмиз. Инсон қадрини улуғлаб, аждодларимизнинг хотирасини сарбаланд этишга, озод юртни обод, муаззам айламоққа қаратилган бундай оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар замирида ёшларимиз қалбида Ватанга меҳру садоқат, фидойилик туйғуларини уйғотиш ва мустаҳкамлашдек эзгу мақсад-муддао мужассамдир.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси,
Темурийлар тарихи Давлат музейи директори.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Адрасда акс этган миниатюра

Чортоқлик Рустамжон Абдураҳмонов халқ амалий санъатининг миниатюра йўналиши билан шуғулланади. Унинг Шарқ мумтоз адабиёти асарлари асосида яратган композицияларидаги нафис тасвирлар ҳар қандай кишининг эътиборини тортади.

САНЪАТ

Ижодкор бундай тасвирларни сополга ишлов бериш, мато ва сомонли аппликация йўналишида яратади. Унинг устахонасида 150 дан ортиқ миниатюра намуналари мавжуд бўлиб, ҳар бири асрлар оша яшаб келаётган миллий қаҳрамонларимиз, бадиий асарлар сиймолари, ҳаёт манзараларини гавдалантирган. Амалий санъат соҳиби яқинда юртимизда биринчилардан бўлиб адрас матосига миниатюралар ишлашни йўлга қўйди. Эътиборлиси, у яратган бетакрор санъат асарларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораяпти.

Р. Абдураҳмонов айни чоғда 50 дан зиёд ёшларга миниатюра санъатидан сабоқ бермоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маданият хабарлари

Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасида китоб ҳафталиги бўлиб ўтди.

«Китоб мўъжизага чорлайди»

“Китоб мўъжизага чорлайди” шиори остида ўтказиб келинаётган ушбу анъанавий ҳафталик доирасида ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, китобхонлар конференциялари, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбирга, шунингдек, “Сеҳрли қалпоқча”, “Тубанлик” каби бадиий фильмлар ижодкорлари ҳам таклиф қилинди. Пойтахтимизнинг бир қатор мактаблари ўқувчилари иштирок этган мазкур маданий кечада ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида шеър ва қўшиқлар янгради.

Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.

Кореялик мусаввирлар кўргазмаси

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида Корея Республикаси рассомларининг кўргазмаси ўтказилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Корея тасвирий санъат уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ушбу тадбир ҳам ана шу ҳамкорлик самараси бўлиб, ундан ўрин олган асарлар ёрқин рангларда акс эттирилгани, турфа композициялар билан бойитилгани ихлосмандларда катта таассурот қолдирди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

Ранглар олами

Фарғона вилояти ўлкашунослик музейида “Рангларга тўла олам” деб номланган кўргазма очилди. Унда уйғониш ва яшариш фасли — баҳор манзаралари акс этган санъат асарлари намойиш қилинмоқда.

Тадбир иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Шуҳрат Абдумаликовнинг таъкидлашича, кўргазма қатнашчилари асарларида миллий анъаналар билан бирга, Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг тасвирлангани кўпчилик эътиборини тортди. Бу Муҳаммаджон Жўрабоев, Нодиржон Абдуллаев, Роза Жалилова, Владимир Пучковский асарларида янада ёрқинроқ ифода этилган.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий ахборот воситалари ходимларини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кенг ёритишга жалб этиш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика анъанавий танловини ўтказади.

Мазкур танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2014 йилнинг 5 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим.

Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:
— давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;
— демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;

— жамоатчилик назорати;
— касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
— маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
— ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:
— босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);
— электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (телевидение, радио, интернет журналистикаси — 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши зарур.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши зарур:
— муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллиф паспорти нусхаси;
— муаллиф манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолибларини тақдирлаш тадбири 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда, қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 4-хона.

Телефонлар: (8-371) 256-52-79, 252-21-18. E-mail: pressa@kasaba.uz

532R/257

Спорт ● Sport ● Спорт

Ҳамюртимиз халқаро турнир ғолиби

Наманган шаҳрида 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнир якунланди.

Унда мамлакатимиз ва ўндан ортиқ давлатларнинг 180 нафардан зиёд ёш ракетка усталари беллашди. Халқаро теннис федерацияси рейтингида очколар жамғариш имконини берувчи мазкур турнирнинг финал баҳсида ўсмирлар ўртасида биринчи рақамли ракетка устаси сифатида қайд этилган ҳамюртимиз Жўрабек Каримов беларуслик теннисчи Иван Лютаревич билан биргаликда Португалия спортчилари жуфтлигини енгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида эса ғолиблик россиялик Анна Яковлева — Дарья Кружкова “тандеми”га насиб этди. Шунингдек, якка тартибдаги мусобақаларда ҳам совриндорлар аниқланди.

Н. ҚУДРАТОВ.

Сарвиноз — Ўзбекистон чемпиони

Пойтахтимизда шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати олий лигаси баҳсларида ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди.

Хусусан, ўн бир имкониятдан саккиз очко жамғарган сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева олтин медални қўлга киритди. Иккинчи ўрин Навоий вилояти вакиласи Моҳинур Қаҳрамонова (7,5 очко)га насиб этган бўлса, худди шунча очко тўплашга эришган Нодира Нодиржонова (Тошкент) учинчи ўринни эгаллади.

Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча кун аввал поёнига етган эркаклар ўртасидаги мамлакат чемпионатида пойтахтлик Улуғбек Тиллаев ғолибликка эришган эди.

Ш. ОРТИҚОВ.

Республика аҳолиси диққатига!

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғдорчилик, иссиқхона ҳамда томорқада экин қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган, ёнилғи тежайдиган, ихчам ва қулай, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган

«TIGUAN»

русумли мотокультиваторларни таклиф этади.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулот сертификатланган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99894) 160-27-24, (+99890) 176-81-45.
Факс: (8-371) 234-62-45.

177A/1163

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5